

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚОСИМОВ АБДУЛАЗИЗ ҒАЙБУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА РЕЦЕПЦИЯ МУАММОСИ
(Немис адабиётидан таржималар мисолида)**

10.00.07 – Адабиёт назарияси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Қосимов Абдулазиз Гайбуллаевич

Ўзбек адабиётшунослигида рецeпция муаммоси (немис адабиётидан таржималар мисолида)3

Qosimov Abdulaziz Gaybullayevich

The Issue of reception in Uzbek literary studies (based on the example of translations from German literature)31

Қосимов Абдулазиз Гайбуллаевич

Проблема рецeпции в узбекском литературоведении (на примере переводов из немецкой литературы)58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚОСИМОВ АБДУЛАЗИЗ ҒАЙБУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА РЕЦЕПЦИЯ МУАММОСИ
(Немис адабиётидан таржималар мисолида)**

10.00.07 – Адабиёт назарияси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil1313 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Баходир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич
филология фанлари доктори, профессор

Ҳамдамов Улғбек Абдувахобович
филология фанлари доктори

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси ЎЗР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» ноябрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кучаси, 5. Тел.: (71) 233-36-50; fax: (71) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан ЎЗР Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (71) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» октябрь да тарқатилди. (2021 йил 28 октябрь даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Н.Ф.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

И.Ч.Ҳаққулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари орасида кечаётган рухий-психологик муносабатлар бадиий асар таҳлиliga доир масалани рецепция муаммосига кўра уни минтакалар адабиёти сатҳида зарурияти нуқтаи назаридан адабиётшунослик соҳасида ҳам жиддий вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Глобаллашув даврида миллий адабиётшуносликни янада юксалтириш, айниқса, чет эл адабиёти билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш жараёнида бирор халқ адабиётини учинчи тил воситасида эмас, балки тўғридан-тўғри таржима қилишга талаб кучайди. Айниқса, адабиётшуносликда муайян адиб ижоди ва бадиий асар, ундаги рецепция ҳодисасини тадқиқ этишнинг янги метод ва усуллари пайдо бўлмоқдаки, бу бадиий асарнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириш имкониятини беради. Рецепция жараёни инсоннинг маънавий олами, дунёқарашини, шунингдек, ижодкорнинг тафаккур тарзига хос қонуниятларни кашф этиш билан бирга бадиий асарни теранроқ англаш ва ижодкор руҳиятини тушунтиришда амалий аҳамият касб этади. Адабий жараёнда рецепция муаммосига бадиий-эстетик категория сифатида ёндашиш, ижодкор бадиий маҳоратини очиш, ёзувчи асарларининг адабий динамикасини янгича англаш муҳим саналади.

Дунё адабиётшунослигида рецепция ҳодисасига муносабат алоҳида ўрин тутди. Айни адабий ҳодисанинг адабиётшуносликда махсус атамаси борлигини алоҳида тадқиқ қилиш, шу терминга дахлдор барча босқичларни муайян бир тизимга келтириш, рецепция жараёнида иштирок этувчиларнинг ўрнини белгилаш орқали, жараённинг рўй-рост амалга ошишини таъминлаш, қолаверса, умумий жиҳатдан ўрганилган асарларга бугуннинг талабларидан келиб чиқиб ёндашиш, немис классик ва замонавий адабиётидан қилинган асарлар таржимаси мисолида рецепция (қабул қилиш, англаш) муаммосини умумлаштирган ҳолда ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбек адабиётшунослигининг халқаро майдондаги ўрни ва ўзбек маданий меросини тадқиқ этиш, миллий ғурур ҳамда кадриятларни англаш зарурияти бугунги глобаллашув жараёнида миллий адабий мерос моҳиятига янада чуқур кириб бориш, адабий асарларнинг жаҳон адабиёти ривожига муносиб ўрнини асослаш, кейинги давр адабиётига кучли таъсир ўтказган таржима асарлар меросини ўрганишни тақозо этмоқда. Бугунги маданий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жараёни ўзбек адабиётшунослиги олдига ҳам қатор янги вазифалар қўйяпти. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга инновацияга таянган давлат ютади”¹. Бу жараёнда бирор-бир халқ бадиий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент: 2017. 23 декабрь.

тафаккури маҳсулининг инсоният маънавий оламини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти унинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сонян “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида рецепция муаммосини ўрганиш, бадиий асарни талқин этиш, ҳис эта билиш миллатлар, элатлар маданиятлари яқинлашувида муҳим аҳамият касб этади. Чинакам миллий адабиёт фақатгина рецепция орқалигина дунё адабиёти билан муқояса қилиниши ва бошқа халқлар адабиётлари ўртасида ўзига хос ўрин эгаллаши мумкин. Жумладан, ўзбек олимларидан Н. Каримов, У. Норматов, А. Расулов, Ш. Каримов, Сувон Мели, А. Саидов, Б. Каримов, З. Содиков ва бошқа қатор олимлар таржима, бадиий адабиёт моҳияти, қиёсий адабиётшунослик, адабий таҳлил, ўзлаштириш эстетикаси, адабий алоқалар, маданиятлар ва адабиётлараро мулоқот масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар², шунингдек, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Вафо Файзулло каби ёзувчилар ҳам рецепция масаласи билан шуғулланган³.

² Каримов Н. Маълум ва номаълум “Эгмонт”// Жаҳон адабиёти, 2017. 12-сон; Норматов У. Қодирий ҳақида қайдлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004. 28 май; Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б; Каримов Ш. Диллардан дилларга: (Ўзбек-немис адабий алоқаларидан лавҳалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 151 б; Мели, Сувон. Адабиёт фалсафаси ёхуд кўзга айланган кўнгил // Жаҳон адабиёти, 2018. 1-сон; Саидов А. Қиёсий адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2020. – 772 б; яна ўша муаллиф: Адабиёт ва ҳуқуқ [Матн]: Ғарб адабиётининг юрист-адиблари. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2018. – 840 б; Карим, Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. – 314 б; Содиков З. Юсуф Хос-Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари: филол.фан.номз...автореф. – Тошкент: 1994. 23 б.

³ Кафка Ф. Жараён. (Таржимон Вафо Файзулло). – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 288 б. 5-15 бетлар; Дўстмуҳаммад Х. Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси ёхуд қалб ва шуурнинг олис кенгликларига элтувчи асар / Сўзбоши. – 4 б; Инсонни англаш-асосий мезон (Ёзувчи Назар Эшонқул билан суҳбат) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. 26 март.

Дунёда ҳеч қайси адабиёт Вильям Шекспир, Йоханн Вольфганг Гёте, Александр Пушкин, Оноре де Бальзак, Адам Мицкевич, Лев Толстой каби адибларнинг ижодий тажрибаларини ўрганмасдан туриб, ўз ривож йўлини танлай олгани тарихдан маълум эмас⁴. Ханс-Роберт Яусс, Вольфганг Изер, Райнер Варнинг, Роман Ингарден, Ханс-Георг Гадамер каби жаҳон тан олган олимлар рецепция назарияси, яширин ўқувчи билан коммуникация (мулоқот) шакллари, рецептив эстетика муаммоси юзасидан ҳерменевтиканинг фалсафий жиҳатларига муносабат билдириб, бадиий адабиётга эстетик ёндашув йўналишида илмий изланишлар олиб борганлар⁵. Адабиётшуносликда рецепция жараёни билан узвий алоқадор босқичлар бўйича МДХ давлатларида ҳам бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган, хусусан, Н. Конрад, В. Жирмунский, М. Бахтин, П. Берков, И. Неупокоева, Л. Коган, Ю. Борев, О. Никифорова, В. Стельмах, Н. Левакин асар муаллифи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот (коммуникация) аҳамиятини, рецепция жараёнида бадиий дид масаласини, бадиий адабиётни англашнинг психологик асослари бадиий рецепцияга адабиётшуносликнинг муҳим адабий тушунчаси сифатидаги қарашларни тадқиқ қилганлар⁶.

Қайд этилган манбалар адабиёт назариясида бадиий таҳлил ҳамда талқинни ўрганишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга, албатта. Лекин шу пайтгача рецепция масаласи ўзбек адабиётшунослигида алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. Бинобарин, бу масала ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараённи ўрганишнинг илмий-назарий муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек адабиётшунослигида рецепциянинг илмий-назарий усуллари, методологик принциплари ва йўналишларини немис адабиётидан қилинган таржималар мисолида очиб беришдан иборат.

⁴ Неупокоева И.Г. Проблемы взаимодействия современных литератур. – Москва; 1963. - С. 67.

⁵ Jauss H.R. Die Theorie der Rezeption - Rückschau auf ihre unerkannte Vorgeschichte. Konstanz: Universitätsverlag. 1987 (Германия); Iser W. Der implizite Leser: Kommunikationsformen des Romans von Bunyan bis Beckett. München 1972 (Германия); Warning, Rainer. Rezeptionsästhetik: Theorie und Praxis / 4., unveränd. Aufl. - München: Fink, 1993. – 504 S. (Германия); Ingarden R. Das literarische Kunstwerk. Eine Untersuchung aus dem Grenzgebiet der Ontologie, Logik und Literaturwissenschaft. - Halle: Max Niemeyer, 1931. (Польша); Гадамер Х.Г. Истина и метод / Пер. с нем.; общ. ред. и вступ. ст. Б. Н. Бессонова. - Москва: Прогресс, 1988. – 704 с. (Германия);

⁶ Конрад Н.И. Запад и Восток. – Москва: Наука, ГРВЛ, 1966 (2-е изд.: - Москва: Наука, 1972); Жирмунский В.М. Гёте в русской литературе. – Ленинград: Гослитиздат, 1937. – 674 с.; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: 1975. – 479 с.; Берков П.Н. Русско-польские литературные связи в XVIII веке. – Москва: Изд-во АН СССР, 1958. – 66 с.; Неупокоева И.Г. Проблемы взаимодействия современных литератур. – Москва, 1963; Коган Л.Н. Художественный вкус. – Москва: Мысль, 1966; Борев Ю.Б. Эстетика. – Москва: Высш.шк., 2002. - 511 с.; Никифорова О.И. Психология восприятия художественной литературы. – Москва: Книга, 1972. – 152 с.; Стельмах В.Д. Читающий мир и мир чтения. – Москва: Изд-во Рудомино, 2003. – С. 145–156; Левакин Н.Н. Художественная рецепция как литературоведческое понятие (к вопросу понимания термина) // Известия ПГЛУ им. В.Г. Белинского, 2012. № 27. С. 308–310.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дунё адабиётшунослигидан рецепция ҳодисасининг тамойилларини ўрганиш, шунингдек, бадиий рецепция йўналишига доир илмий таҳлиллар тақдим этиш;

немис адабиётининг ўзбек адабиётини бойитишга қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш ҳамда рецепция жараёнида ёзувчи ва ўқувчи позициясини аниқлаш;

таржима ва илмий баён қилиш учун асарни маълум принципларга кўра танлаш ҳамда бадиий рецепцияни адабиётшунослик илмининг таркибий қисми сифатида киритиш;

немис адабиётининг бир қатор даврларига тегишли бўлган адиблар ва асарларининг Ўзбекистондаги қабул қилиниши билан боғлиқ жиҳатларни очиб бериш;

объект асарлар (Готтхольд Лессинг, Йоханн Вольфганг Гёте, Фридрих Шиллер, Ҳайнрих Ҳайне, Томас Манн, Ҳерманн Хессе, Франц Кафка) ҳамда ўзбек адабиёти (Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон) намуналарининг ўзбек адабиётида рецептив эстетикага доир таҳлиллар моҳиятини ёритиш; қаҳрамонларнинг руҳий-психологик ҳолати таҳлили воситасида рецепциядаги ўзгаришлар юзасидан илмий хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек адабиётшунослигидаги рецепция муаммосини ёритиб бериш учун немис классик ва замонавий адабиётидан қилинган таржималар ҳамда уларга оид тадқиқотлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилига таржима қилинган немис классик ва замонавий адабиётининг етакчи шоир ҳамда ёзувчилари асарлари мисолида ўзбек адабиётшунослигида рецепция масаласининг таҳлил усуллари, тамойиллари ва йўналишлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда асарларни рецептив таҳлил қилишда қиёсий-типологик, структурал, ҳерменевтик, биографик ва руҳий таҳлил, имманент усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рецепция ҳодисаси ҳамда унга тегишли унсурларнинг бадиий психологизмни юзага чиқарувчи таъсир воситалари, поэтик усуллар, ижодий индивидуаллик, бадиий шакл ҳамда услубнинг ўзига хослиги каби масалалари ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшунослигидаги ижодкор-бадиий матн-ўқувчи тизимига доир назарий тушунча ва рецептив эстетика тамойилларига таяниш зарурати исботланган;

образ, характер, портретлар тасвирида адабий рецепция талқини, бадиий образ яратиш ва портретларга хос характеристикаларда хатти-ҳаракат, сюжет динамикаси ва бадиий матнлар таҳлили немис тилидан ўзбек тилига ҳамда айрим ўзбек тилидан немис тилига таржима қилинган асарлар мисолида кўрсатиб берилган;

адабий-назарий ҳодиса таснифига кўра тарихий ва эмпирик рецепция, кутилган горизонт, эстетик масофа, ҳерменевтик ёндашув, бадиий коммуникация, эксплицит-хос ва имплицит-яширин ўқувчи каби илмий-

назарий тушунчаларнинг ўзбек адабий жараёнини баҳолашга татбиқ қилиш зарурати аниқланган;

жаҳон адабиётшунослигидаги кенг қўлланилаётган рецептив эстетика тушунчаси воситасида қилинган таҳлилларда бадиий асарни ўзлаштириш ҳодисасининг халқчил тил, поэтик тамойиллар, инсон маънавий-психологик ҳаёти ва унинг бадиий талқини билан ўзаро уйғунлашиб кетгани далилланган;

классик ва замонавий немис адабиёти намояндалари асарларининг адабий-илмий рецепция ҳодисаси орқали ўзбек адиблари ижодига таъсири муҳокама қилинган ҳамда дунё миқёсида олиб борилаётган илғор тадқиқот йўналишлари билан замонавий ўзбек адабиётшунослигидаги илмий-назарий қарашлар бевосита қиёсланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётшунослиги, замонавий адабий танқидчилик тарихи учун рецепция бўйича зарур илмий факт, маълумотларни аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, тадқиқот давомида рецепция ҳақида чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, адабиёт назарияси, ҳозирги адабий жараён, замонавий ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек-немис адабиётшунослиги тарихи ва адабий танқид тарихи каби фанлардан яратиладиган ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувида акс этиши асосланган;

Й.В. Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”, “Ёш Вертернинг изтироблари” романи ва “Фауст” трагедиясининг бир қанча таржималари қиёсий таҳлил этилиб, Й.В.Гёте адабий меросига оид рецепция ҳодисаси ва рецептив жараёнлар адиб асарларини оммага имкон қадар тўлиқроқ ҳамда ишончлироқ етказиш имконини яратиши аниқланган;

ўзбек адабиётшунослигида рецепция муаммосини илмий-назарий қарашлар билан бойитиши ва мустақиллик даври адабиётшунослиги фани ривожини учун фойдали бўлган янги адабий-эстетик тамойиллар шаклланишига хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда қиёсий-тарихий, херменевтик ва рецептив усуллар билан асослангани, объект адабий манбаларнинг дунё адабиётшунослигида мавжуд бўлган рецептив эстетикага хос тамойиллар асосида илмий-қиёсий таҳлил этилганлиги, тадқиқот жараёнида айнан адабий манбалардан унумли фойдаланиб, илмий натижа ва хулосалар чиқарилгани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузалар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда ўзбек адабиётшунослигидаги немис адабиёти дурдона асарларининг ғоявий-бадиий, услубий ва поэтик хусусиятлари махсус ўрганилганлиги, улардаги рецептив ҳолатларнинг

мазмун-моҳиятини ёритишда илмий-қийёсий таҳлил методидан кенг фойдаланилганлиги, ҳозирга қадар рецепция ҳодисаси етарли ўрганилмаганлиги сабабли унинг адабиётшуносликда тутган ўрнига кенгроқ эътибор қаратилганлиги, рецепция тўғрисидаги маълумотлар аниқ далиллар асосида солиштирилганлиги билан илмий-назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Адабиёт назарияси”, “Адабиётшунослик методологияси”, “Бадиий таҳлил”, “Адабий алоқалар”, “Маданиятлараро мулоқот”, “Туркий тиллар тарихи ва адабиёти” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориш, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажариш, шунингдек, тил ва адабиёт йўналишида таълим олаётган талабалар, ўқитувчилар фойдаланишлари учун адабиёт назариясига оид янги ўқув материаллари, мавзуга оид рисола, ўқув қўлланмалари ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек адабиётшунослигида рецепция муаммоси (немис адабиётидан таржималар мисолида) мавзусини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тадқиқотда ишлаб чиқилган матнларга ёндашув ва таҳлил усуллари, таҳлил воситаларини қўллаш (айниқса, чет тилидаги матнлар билан ишлашда), илмий адабиётлар мутолаасида маданиятлараро фарқ нуқтаи назаридан муносабат билдириш мезонлари Тошкент давлат аграр университетида бажарилган “Марказий Осиёда касбий таълимни ривожлантириш” (2018-2019) гранти доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 89-03-820-сон маълумотномаси). Натижада, таржима жараёнида иштирок этган ҳар бир инсоннинг ўрни ва роли борасида бир қатор кузатув механизмлари ишлаб чиқилган ҳамда матнларни тушунишда қачон ва кимга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш кераклиги жиҳатлари умумлаштирилган ҳолда тизим шакллантирилган, қолаверса, таълим дастурларида назарда тутилган матнга ёндашув усуллари, таҳлил воситаларининг берилиши (айниқса, чет тилини ўрганаётганлар учун); соҳага оид матнларни тузишда эътибор қаратилиши керак бўлган ўзига хос жиҳатларнинг таҳлил қилиниши, илмий адабиётлар мутолаасида маданиятлараро фарқ нуқтаи назаридан муносабат билдирилиши; онг шаклланишида рецептор толаларнинг мутолаа жараёнидаги ўрнига алоҳида ёндашилган;

матнларни таржима ва таҳлил қилиш, асарларнинг идрок этилиши борасида амалга оширилган тадқиқот натижалари 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили), 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (немис тили) бакалаврият ҳамда 5A120102 – Лингвистика (инглиз ва немис тили) магистратура таълим йўналишлари мутахассисларининг малака талабларига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 89-03-820-сон маълумотномаси). Натижада, “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи”, “Бадиий адабиётлар

таржимаси назарияси ва амалиёти” каби назарий, “Ўқиш ва ёзиш амалиёти”, “Тил аспекти амалиёти”, “Тил кўникмалари интеграцияси” каби амалий, шунингдек, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Маданиятлараро мулоқот ва таржимашунослик” каби фанлар таркибий қисмига киритилган ва талабаларнинг “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи”, “Бадиий адабиётлар таржимаси назарияси ва амалиёти” каби фанларни ўзлаштиришларида ўз аксини топган. Сингдириш, таркибий қисм сифатида киритиш жараёнида бевосита адабиёт назарияси, ҳозирги адабий жараён, замонавий ўзбек адабиёти тарихи йўналишларининг тажрибаларидан фойдаланилган;

рецепция ва рецептив эстетика тушунчаларининг ижтимоий соҳалардаги қўлланилиши, аҳамияти ҳамда вазифаларига тегишли тадқиқот ишининг натижалари ва тавсиялари Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича Жамғарма кассалари фондининг 2012-2018 йилларда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондаги халқаро лойиҳаларида фойдаланилган (Халқаро ҳамкорлик бўйича Жамғарма кассалари фондининг Ўзбекистондаги узоқ муддатли эксперти ва вакили, Германиядаги Баден-Вюрттемберг федерал ери Жамғарма кассалари академияси доценти Матиас Ванглернинг 2020 йил 24 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада, тадқиқот ишидаги тўрт қисмли занжир лойиҳалар фаолияти учун қимматли бўлиб, таълим тадбирлари ва семинарларида барча иштирокчилар учун вазифалар тақсимоотида асос сифатида хизмат қилган ҳамда лойиҳаларнинг ўқув қўлланмаларида ҳам ўз аксини топган;

адабиётда рецепция, унинг муаммолари ва ўзбек адабиётшунослигида амалий аҳамияти билан боғлиқ тадқиқот натижаларидан адабий дидактика ва адабиётшуносликда амалий жиҳатдан Штайн шаҳри (Германия)даги Адабиёт ва олий таълим дастурларини ишлаб чиқадиган Фабер Кастелл Академиясида фойдаланилган (Rektor der Akademie Prof. Dr. Uli Rothfuss Stein/Germany 2021 йил 18 январдаги маълумотномаси). Натижада, турли хил тил соҳаларидаги адабиётлар ўртасидаги муносабатларни ҳамда рецепциянинг маданий алмашинувга қандай таъсир қилишини, масалан, таржимада, айниқса тўғридан-тўғри таржимада, бошқа тилнинг ёрдамсиз қандай таъсир кўрсатишини қизиқарли тарзда ўрганишга асос бўлиб хизмат қилган;

рецепция жараёнига психология нуқтаи назардан ҳам ёндашиб олиб борилган тадқиқот ишининг тавсияларидан Дрезден шаҳри (Германия)да фаолият юритаётган психолог ва психотерапевт фаолиятида ҳам фойдаланилган (Dr. Erik Hausstädtler Dresden/ Germany 2021 йил 12 январдаги маълумотномаси). Натижада, юқоридаги тадқиқот усуллари ва муваффақиятли рецепция ушбу йўналиш орқали долзарб муаммоларни чуқур англаш ҳамда мижозлар ва беморлар учун ечимларни кўрсатиш учун машқ сифатида жуда мос келган ҳамда немис адабиётига қизиқувчилар учун немис адабиёти тўғрисида етарли тушунчаларни англаб етишда ажойиб ва ниҳоятда муҳим ёрдам берган;

адабиётшуносликда рецепция муаммоси билан боғлиқ тамойиллар ва йўналишлар, ёндашув масалалари бўйича тайёрланган диссертация илмий натижалари, илмий ютуқлари, далилланган якуний хулоса материаллари ва илмий янгилигидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma'rifat” телеканалининг “Адабий жараён” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma'rifat” телеканалининг 2021 йил 27 январдаги 01-16/21-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатув кенг оммага намойиш этилган ва диссертация мазмуни кенг миқёсда жорийланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 8 та, жумладан, 4 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, 6 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, хорижий журналда 2 та, республика журналларида 4 та мақола нашр қилинган. Бундан ташқари, турли илмий тўпламларда 2 та мақола чоп этилган. Жами 16 та илмий мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 173 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўзбек адабиётшунослигида рецепция ҳодисасининг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида рецепция ҳодисасининг жаҳон адабиётшунослигидаги тутган ўрни, кўлами ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Бобнинг дастлабки фасли “Рецепция” атамасининг адабиётшунослик илмида тутган ўрни» деб аталган. Маълумки, рецепция ҳодисаси адабиётшуносликда кенг кўламда ўрганишни талаб қилгани боис, таянч нуқта вазифасини ўтайдиган «рецепция» тушунчаси изоҳланган. Ҳар қандай мутолаанинг ортида матннинг ёки бутун бир асарнинг таҳлили, талқини ва таъсири масаласи ётади. Бадиий адабиётни мутолаа қилган ўқувчи кўпинча узоқ вақт асарнинг таъсиридан чиқолмасдан, асар қаҳрамонлари билан гаплашиб, ўз хис-туйғулари ва таассуротлари билан

курашиб юради. Баъзан эса, асар муаллифи билан ғойибона баҳс-мунозара юритади. Буни кўпчилик олимлар одатий ҳол, деб баҳолайди. Буни умумлаштирган ҳолда *таъсир жараёни*, деб аташ мумкин.

XX аср биринчи ярмида Германияда шундай бир йўналиш ва ҳаракат пайдо бўлдики, бу ҳаракат мутолаа жараёнини бемалол таҳлил қилиб, аниқ бир тизимга солиш учун имкон берди. Бу жараён фанда *рецепция* номини олди. Рецепцияни, аслида, қандай тушуниш кераклиги, бу сўзнинг луғавий ва истилоҳий маъноси ҳақида ҳам фикрлар бор.

Рецепция атамасининг бадий адабиётга ва адабиётшуносликнинг таҳлилий мезонларига тегишли жиҳатлари кўриб чиқилса, адабиётшунослик илмида рецепция жараёни орқали бирон-бир бадий асар борлигини ёки асар муаллифи қарашларини мутолаадан аввал ва кейин қабул қилиш, ўрганиш, таҳлил, танқид қилиш ҳодисаси тушунилади. Рецепция жараёнига дунё олимлари турли томондан ёндашган. Польшалик файласуф Роман Ингарден, “рецепция бу – бадий санъат асарининг тушунилишидир”⁷, деган фикрни илгари суради. Россиялик тилшунос ва адабиётшунос Виктор Жирмунский фикрича, “бадий асар рецепцияси адабий таъсир жараёнининг асосидир”⁸. Европа ва рус эстетикасида янги бир соҳа пайдо бўлганини таъкидлаб ўтган профессор Абдуғафур Расулов, бу соҳани “рецептив ёндашув ёхуд ўзлаштириш, қабул қилиш эстетикаси”⁹, деб атайди. Айнан шу йўналишни Абдулла Шер “эстетик идрок этиш”¹⁰ деб баҳолайди. Бу фикри билан польшаллик олим Роман Ингарденнинг фикрини айнан такрорлайди. Профессор Абдурахим Эркаев эса, “Мутолаа жараёнида асарга ва унинг муаллифига нисбатан бағрикенглик билан муносабатга киришишга, эстетик онг ва бадий билиш, англаш муҳимлигига”¹¹ эътибор қаратади. Бадий адабиёт моҳиятан, биринчи навбатда, “инсоншунослик”¹² бўлгани учун, бадий матн китобхон томонидан ўзлаштирилгач, ўқувчининг ўзига хос ижоди билан тўйингач, бадий асар ҳуқуқини олади. Матн – ҳали бадий асар эмас, матннинг бадий асарга айланиши, китобхон томонидан ўзлаштирилиши, тасдиқланиши, мураккаб жараён. Аммо бу фикрларнинг барчасини биргина рецепция атамаси билан ифодалаш кифоя. Бу илмий атама замирида ўрганиш, ўзлаштириш, қабул қилиш, англаш, сайқаллаш, такомиллаштириш тушунчалари ётади.

Адабиётшуносликда рецепция жараёни ўзлаштириш, идрок этиш¹³, тушуниш, адабий таъсир, адабий алоқа деган турли атамалар билан

⁷ Ingarden, Roman Vom Erkennen des literarischen Kunstwerkes. / - Tübingen. Verlag: Max Niemeyer Verlag. 1968, 440 Seiten, S.23

⁸ Жирмунский, В.М. Гёте в русской литературе./- Ленинград. Наука ленинградское отделение, 1982. – 560 стр., 10-11 стр.

⁹ Расулов, Абдуғафур. Бадийлик – безавол янгилик / – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б., 85-бет.

¹⁰ Sher, Abdulla. Estetika (nafosat falsafasi)/ O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi. – Toshkent: O‘zbekiston, ikkinchi nashr, 2015. – 368 б., 349-бет.

¹¹ Эркаев, Абдурахим. Эстетик онг ва бадий билиш. //– Жяхон адабиёти, 2015 йил. 11-сон, 134-143-бет.

¹² Шарафиддинов, Озод. Танланган асарлар./ – Т.: Шарқ, 2019. – Б. 576., 60-бет.

¹³ Sher, Abdulla Estetika (nafosat falsafasi)/ O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi. – Toshkent: O‘zbekiston, ikkinchi nashr, 2015. – В.368., 349-357-бетлар.

номланади. Аммо юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, айнан рецепция барча ҳодисалар, босқичлар асосида турувчи ва жамловчи атама ҳисобланади. Ҳозирги тезкор замонда ўзбек миллий адабиёти ва адабиётшунослигининг халқаро миқёсда бадиий асарни қабул қилиш билан боғлиқ таништириш имконияти чегараларини янада кенгроқ ҳамда қамровлироқ шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай экан, адабий ҳодисани ҳамма тез ва осон тушунадиган рецепция истилоҳи билан номлаш жуда ўринли. Рецепция жараёнини яхлит тизимга айланишига кўмак берувчи босқичлар, иштирокчилар жамланмасини, айнан ўзбек адабиётшунослигида олиб борилаётган барча тадқиқотларни қуйидагича шартли тасаввур этиш мумкин. Қолаверса, асарнинг таҳлили, унинг вақт ва вазиятга, замон ва маконга тобелиги ҳамда рецепциянинг аниқ таҳлилига ишонч ҳосил қилиш учун тарихий ва эмпирик рецепция босқичлари ҳам батафсил таҳлил қилинади. Ёзма илмий манбалар асосида адабий муҳит, бадиий асар ёки унинг муаллифи ҳақидаги тўпланган ёзма фикрлар, қарашлар, баҳолар, хотиралар тарихий рецепция тадқиқоти учун асос бўлиб хизмат қилса, жараён, бадиий асар, ёзувчи бўйича ўтказиладиган турли сўровномалар, интервьюлар, оғзаки суҳбатлар эмпирик рецепциянинг тамойилларини белгилаб беради. Ўзга миллат адабиёти ва санъатига яқинлашишни XX аср таниқли немис адабиётшуноси профессор Ханс-Георг Гадамер¹⁴нинг фалсафий ҳерменевтикага оид қарашларига кўра, унинг таъбири билан “das ist alles nur Verstehen“¹⁵ (“Бунинг ҳаммаси фақат тушунишдир”) деб аташ мумкин.

Мазкур фаслда миллий адабиёт рецепцияси содир бўлмасдан, бошқа халқ адабиётига муносабат билдириб бўлмаслиги ҳамда бадиий асарни, унинг муаллифини нафақат ўқувчи томонидан, балки ўз навбатида адабий танқид ва таҳлил доираси орқали ҳам қабул қилиниши ўрганилган.

Биринчи бобнинг «**Адабиётшуносликдаги рецептив омиллар ва етакчи тамойиллар**» деб номланувчи иккинчи фаслида рецептив эстетика мактабларининг етакчи олимлари томонидан илгари сурилган тадқиқот қонуниятлари ва етакчи тамойиллари хусусида фикр юритилган. Рецепциянинг яна бир ўзига хос хусусияти, жараёнда бевосита ёзувчи – матн – ўқувчи, ёзувчи – ўқувчи муносабатларига ойдинлик киритилади. Охириги фикрни айта олиш учун асар ўқувчининг бадиий-эстетик дидига мос келиши (салбий ёки ижобий) керак. Бу масала, асосан, рецептив эстетика қамровида муҳокама қилинган. Инсоннинг эстетик олами ҳис қилиш, идрок этиш фаолияти билан боғлиқдир. Шу боис ҳам унинг ҳис-туйғуси бутун ҳаёти ва фаолиятида кўзга ташланади. Инсон ўзи яшаётган макон ва замонга, атрофидаги нарса-предметларга, воқеа-ҳодисалар жараёнига, бутун борлиққа

¹⁴ Ханс – Георг Гадамер (1900 йил 11 февраль (Марбург) – 2002 йил 13 март (Ҳайдельберг)) олмон файласуфи, унинг 1960 йилда ёзилган фалсафий ҳерменевтикани асословчи *Wahrheit und Methode* (Ҳақиқат ва метод) номли асари чет элларда ҳам машҳур.

¹⁵ Қиёс: Hans-Georg Gadamer: Hermeneutik I. Wahrheit und Methode. Grundzüge einer philosophischen Hermeneutik. / – Tübingen 1986, S. 380 – (Буларнинг барчаси тушунишдир. (таржимон Абдулазиз Қосимов))

назар ташлаб, уларга нисбатан муносабатда бўлишда ўтмишнинг ибратомуз томонларидан, машҳур шахслар ҳаётидан тажриба олиб, ўрганиб яшайди.

Замонавий жаҳон адабиётшунослигида эстетик реакция таҳлили, матн стратегиялари, мутолаага киришиш, ижтимоий-маданий ҳаётнинг бадий матнга таъсири каби масалалар ҳозир кўпроқ муҳокама қилинмоқда.

Рецептив эстетика учун матн ва ўқувчи ўртасида “аниқ чегара”нинг қўйилиши жуда муҳим ҳисобланади. “Матн-ўқувчи” диалогик муносабатини бир мавқега эга икки суҳбатдошнинг ҳолати, деб тушуниш муҳим, ўртадаги “чегара” суҳбатнинг “очиқ-ойдинлиги”ни белгилайди.

"Эстетик фойда" даставвал ўқиш жараёнида матн ва ўқувчи ўртасида “диалогик” мулоқот тарзида вужудга келади¹⁶. Шунга кўра, бирор асарни ўқувчи тўғри ёки нотўғри тушунди, дейиш анча мушкул. Худди шунингдек, асарга салбий ёки ижобий баҳо бериш ҳақида аниқ қондани айтиш қийин. Ҳ.Р.Яусс эса бу борада ўқувчининг ижтимоий шарт-шароитлари ва тажрибаларидан келиб чиқиб, асардан кутилган горизонт, ҳерменевтик реконструкция нуқтаи назаридан матнга ёки асарга ёндашишни таклиф қилади, чунки *матн замондош ўқувчи саволларига жавоб бера олади*¹⁷.

Ҳ.Р.Яусс фанга “кутилган горизонт” ва “эстетик дистанция” тушунчаларини киритган. Бир асарнинг кутилган горизонти, тушуниш даражаси ўқувчилар ўртасида бир хил бўлмаслиги табиий. Ёши, касбий фаолияти ва ҳаёт тажрибаси юқорилагани сайин ўқувчининг кутилган горизонти, асарга қўядиган талаби юксалиб боради. Бир асарни 25 ёшида таҳлил қилган ўқувчи, 50 ёшга етганида, айнан, шу асарга бутунлай бошқа нуқтаи назардан ёндашиши мумкин.

Биргина, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи адабиётшунослар, журналистлар, таржимонлар, оддий китобхон наздида қандай эътироф этилганига диққат қаратилса, олиб борилган таҳлилий ёндашувлар қизиқ тафсилотларни тақдим этади. Роман ҳар сафар ўқилганда, янги қирраларининг пайдо бўлиши бир марталик мутолаанинг камлигидан далолат беради. Бир қарашда роман «бахтсиз» даврнинг бахтли жуфтлиги атрофида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни тасвирлаётгандек туюлади. Аммо қарашлар турлича эканлиги ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Профессор Баҳодир Каримов Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини таҳлил қилиш асносида асарнинг бир неча жиҳатларини алоҳида эътиборга олади. Б.Каримов фикрига кўра¹⁸, «Ўткан кунлар» романи «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари»дан сўз очиб, халққа сабоқ берувчи, инсоний тақдирлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, оилавий-ишқий муаммоларни акс эттирган, бадий сўзнинг бетақрор жозибаси уфуриб турган асар, юрт тақдири, мамлакат мустақиллиги учун асос бўладиган ғоялар тўплами, ишқ достони, адабий тил нормалари бўйича маҳорат мактаби, қувват

¹⁶ Iser, Wolfgang: Der implizite Leser. / – München 1972, S. 123.

¹⁷ Jauss, Hans Robert: Literaturgeschichte als Provokation der Literaturwissenschaft. / – Konstanz, 1967, S. 136.


¹⁸ Каримов Б. “Ўткан кунлар” ибрати // Халқ сўзи, 2019. 25 декабрь.

манбаи, адибнинг эстетик дунёси, ижодкор қалби намоён бўладиган кўзгу, маънавият қасри, умуман олганда эса, умрбоқий санъат асари ҳисобланади.

Профессор Умарали Норматов ҳам «Ўткан кунлар» романини таҳлил қилишни бироз таҳликали, ваҳимали даврни эслаш билан бошлайди¹⁹. Асарга алоҳида меҳр билан мурожаат қилган олим беихтиёр тотли дамларни эсга солувчи, севги-муҳаббат пойдеворини, ёрқин келажакни мустаҳкам қурувчи роман, дея баҳолайди. Бундан ташқари, «Қодирий боғи» китобининг мунозарали жиҳатларига муносабат билдирган, Иззат Султоновдан бағрикенглик, адолат, ҳақиқат туйғуси билан йўғрилган фикрлар эшитгани Умарали Норматовга қанот бағишлаган. Бу ҳам бир асар ва шахс воситасида ҳақиқат йўлида тан олинишни, тан беришни англантиши рецепция жараёнининг муайян бир босқичига тегишлидир. Бир сўз билан айтганда, «Ўткан кунлар» Умарали Норматов наздида, XX аср бошланиши ҳақидаги реал тарихий манба, мумтоз даврнинг «Муножот»и, янги даврнинг «Наво куйи»дир.

Профессор Абдуғафур Расулов эътирофига кўра, «Ўткан кунлар» романи ёрқин характерга эга қаҳрамонлари билан бир қатор дурдоналар қаторида ўзбекона руҳиятни ифода этган асардир²⁰.

Ёзувчи – бадий матн – китобхон. Бу учлик бир–бирига шунчалик боғлиқки, унда адабиётшунослик, адабий танқидчилик, эстетика, психология фанларининг жуда кўп томонлари ойдинлашади²¹. Ушбу учлик механизми ўртасидаги муваффақиятли мулоқот асарнинг яшовчанлик даражасини белгилаб беради.



Учлик механизми


Профессор Абдуғафур Расулов илгари сурган учлик механизмини рецепция жараёни учун муҳим ҳисобланган тўртлик ва бешлик механизмлари билан бойитиш зарур. Бу билан ҳар қандай механизм занжири ўқувчи билан яқун топишини, фақат ўқувчининг билдирган муносабатлари асосида тадқиқотлар вужудга келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёзувчи-матн-ўқувчи механизмида яна бир занжирнинг иштирок этишини, асарнинг бошқа тилдан таржима қилингани билан изоҳлаш мумкин бўлади, бу тўртлик

¹⁹ Норматов У. Қодирий ҳақида қайдлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004. 28 май. 21-сон.

²⁰ Расулов А. Тарих, фалсафа, роман // Жаҳон адабиёти, 2003. 9-сон.

²¹ Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. / – Т.: Шарқ, 2007. 97-б.

механизмини вужудга келтирса, айнан, тўртлик механизмига таҳлил ва танқид нуқтаи назардан ёндашилганда бешинчи элементнинг иштироки ҳам кузатилди.



Тўртлик ва бешлик механизми

Бобда асар мутолааси билан машғул бўлган китобхон ўзи кутган горизонтни, ўз қахрамонини, ўз нуқтаи назарини белгилаши хусусида ва бу ўз-ўзидан китобхонни муаллифга яқинлаштирибгина қолмай, балки айнан муаллифга айлантириб қўйиши ҳақида фикр юритилди.

Диссертациянинг «**Ўзбек адабиётшунослигида немис классик адабиёти рецепцияси таҳлили**» дейилган иккинчи бобида ҳерменевтика ва рецептив эстетика назариясининг етакчи олими Х.Г.Гадамер “Wahrheit und Methode” (“Ҳақиқат ва метод”) китобининг 2-қисмида бадиий адабиётга эстетик ёндашув ҳамда адабий таъсир тарихи масаласига алоҳида эътибор қаратилганидан келиб чиқиб, жаҳон адабиётининг ривожланиш босқичларини аниқ ўрганиш ва таҳлил қилиш учун тарихий чегараларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланган. Адабиёт ҳақиқатини ҳамда таъсир кўламини янада чуқурроқ англаш учун бир миллат адабиётининг тарихий-даврий ривожланиш босқичлари мисолида таҳлил қилиш зарурлиги борасида фикр юритилган.

Иккинчи бобнинг «**Й.В.Гёте асарларида бадиий рецепциянинг ўзига хослиги**» деб номланган дастлабки фаслида Й.В.Гёте қомусий олим, мутафаккир, жаҳон адабиётининг такрорланмас даҳоси сифатида рецепция жараёнининг босқичларига кўра таҳлил қилинган. Россиялик ёзувчи, шоир ва rassom Валерий Орлов-Корфнинг фикрига кўра ҳам, Гёте юксак иқтидор эгаси, серқирра ижодкор, ўз даври қобилиятли қатламининг етук вакили, ҳаёт завқини, ҳаётга бўлган севгини куйловчи ижодкордир. Қолаверса, инсон онги, табиат сирлари ва дунё тамаддунининг бетакрор rassomi ҳисобланади²².

Й.В.Гёте қолдирган “улкан адабий-илмий меросини бутун бошли хазинага тенглаштириш мумкин”²³. 2010 йил таниқли шоир, тарихчи ва тасаввуфшунос, етук таржимон Садриддин Салим Бухорий Й.В.Гётенинг

²² <https://www.proza.ru/2016/02/28/660> - свидетельство о публикации № 216022800660.

²³ Гёте И. В. Ҳикматлар / Иоганн Вольфганг Гёте; тўпловчи, таржимон ва сўзбоши муаллифи А.Х. Саидов; масъул муҳаррир Р. Кўчқор. / – Тошкент: “Маънавият”, 2010. – 112 б., 3-7-бетлар.

“Ғарбу Шарқ девони”ни немис тилидан бевосита таржима қилган. Девон Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилди. Академик Акмал Саидов “Ғарбу Шарқ девони”нинг ўзбекча нашрига сўзбоши ёзиб, уни шарқшуносликка кириш²⁴, деб баҳолагани гётешуносларнинг олдига яна бир муҳим вазифа қўйилганидан далолат беради.

Й.В.Гёте “Ёш Вертернинг изтироблари”ни ёзишга киришганда, дил тубидаги барча кечинмаларини, луғатидаги энг гўзал сўзларни “авайлаб” танлайди. “Шўрлик Вертернинг кечинмаларига оид нима топишга эришган бўлсам, **авайлаб** тўпладим ва буни Сизга манзур эта олсам, мендан миннатдор бўларсиз, деб ишонаман...”²⁵. Рецепциянинг яна бир вазифаси шуки, қабул қилинган, ўрганилган, идрок этилган, ўқувчининг юрагини забт этган асар адабий жараён учун “рўйхат”га олиними, худди адабий “оила”нинг бир вакили сифатида асарнинг барча “инжиқлик”ларига чидаш керак бўлади. Й.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романи ўзига хос услубда ёзилгани учун ўқувчининг диққат-эътиборини шундай боғлаб оладики, ўқувчи Вертернинг азоблари учун, худди Гёте истаганидек, кўз ёш тўқади. “Ёш Вертернинг изтироблари” романи эпистоляр, яъни хатлардан иборат бўлган сентиментал (ҳис-туйғу асосига қурилган) романдир. Атоқли таржимон ва олима Янглиш Эгамова “Ёш Вертернинг изтироблари” романини талабалик йилларида севиб ўқиганини, романнинг тили, услуби ва муаллифи билан яқинроқ танишиш учун бироз муддат зарур бўлганлигини, сўнгсўз ўрнида ёзган “Вертер” ҳақида сўз” ва “Вертер ўзбекча сўзлаганда...” мақолаларида бир неча бор таъкидлаб ўтади, “Вертер”га меҳр менда талабалик йилларимда романдан катта бир парчани таҳлилий ўқиш дарсида батафсил ўрганган пайтимизда туғилган эди. Қолаверса, қаҳрамон билан характерлар муштараклиги, соф субъектив сабаблар бунга туртки берган бўлиши ҳам мумкин”²⁶. Немис олими Ҳерманн Гримм шундай ёзади: “*Гёте бизнинг тилимиз ва адабиётимизни кашф қилди. Гётегача улар Европа халқларининг жаҳон бозорида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди... Фақатгина Гётенинг “Вертер”и инглизлар ва фаранглар томонидан миридан-сиригача ўқиб ўрганилганидан ҳамда асар Италияга ҳам кириб борганидан сўнггина олий даражадаги немис адабиётининг имкониятлари ташқи оламда тан олинди....Эпистоляр услуб Гётеда макон топди. Биз фойдаланадиган сон-саноқсиз сўз ва бирикмалар Гётесиз назаримиздан четда қолиб кетаверган бўларди*”²⁷. Бу иқтибос орқали таржимон Й.В.Гётени Алишер Навоийга ўхшатади. Рецептив эстетиканинг ўзига хос тамойилларидан бири бадиий асар ва унинг муаллифини эътироф этиш, тан олиш ҳисобланади.

²⁴ Гёте Й.В. Ғарбу Шарқ девони / олмон тилидан С.С. Бухорий тарж.:/ Кириш сўзи А.Саидов. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. 3- бет.

²⁵ Ўша манба. 3-бет.

²⁶ Гёте, Йоханн Вольфганг. Ёш Вертернинг изтироблари. / (Немис тилидан Янглиш Эгамова таржимаси) / Й.В. Гёте – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018. 182-183-бет.

²⁷ Свасьян К.А. Гёте, М., Мысль, 1989. – с. 9.

“Ёш Вертернинг изтироблари” романини таҳлил қилиб, Я.Эгамова асар муаллифи билан ғойибона мулоқотга киришиб, рецепциянинг муайян босқичларини босиб ўтади. Биринчи навбатда, асар рецепцияси учун ёзувчининг услубига эътибор қаратади. Ундан сўнг эса, асарнинг бевосита жамият томонидан қандай кутиб олинганини эслаб ўтади. “Вертер” нафақат севги-муҳаббат ҳақидаги роман, балки ўша даврдаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг қарашлари, даврнинг ноҳақликларига муносабатлари, инсонпарварлик ва озодлик ҳақидаги тарихий асар ҳамдир.

Вертер – Лессинг ва Руссо даврида яшаган, билимдон, ўта тарбияли, қобилиятли, бахтсизлик ва камбағаллик устидан ғолиб чиқишга уринган, ўз кадр-қимматини англаган ва эркинлик ҳамда бахтга бўлган ҳуқуқларини ҳамма нарсадан устун қўйган авлод вакили. Вертер – бу инсоний қалб, нозиктаъб дид, тутқич бермас фантазия, кучли иштиёқ, сезгирлик, химоясиз юрак эгаси. Роман инсоний ишқ-муҳаббатдан ташқари ҳаётга муҳаббатни, озодликка бўлган севгини, меҳрни куйлайди. Ноҳақлик, разолат, камситиш Вертерни ҳаётдан бездирадики, севгисига муносиб жавоб ололмаган ошиқ, ягона йўл ўз-ўзини ўлдириш, деб билади. Ҳаётнинг қийинчиликлари, муаммолари билан муросага келолмаган Вертер ўз жонига қасд қилади, бу эса *биринчидан*, унинг муаммолар билан муроса қилиб яшаш тўғри йўл эмаслигини билдирса, *иккинчидан*, бу унинг тинчгина, беозоргина, ички исёни, қолаверса, кўзғолони эканлигидан далолатдир. Вертер образида адиб, оддий табақа вакиллариининг ҳам соф севги учун юраклари, тоза қалблари борлигини кўрсатиб беради. “Вертер” – лирик роман ҳисобланиб, шакл жиҳатдан хат, яъни эпистоляр услубда ёзилган. Бу эса ўқувчига асарнинг мазмун-моҳиятига тезроқ кириб боришга имкон беради”²⁸.

Оддий ўқувчининг мутолаа таъсирида, рецептив эстетика тамойилларига кўра, хулосаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:


бош қаҳрамоннинг (Вертернинг) ўлишини истамаслик – бу ўқувчининг асар муаллифи билан “тўқнашув”и ва муросасиз “кураш”ининг бошланиши ва кутилган горизонтнинг қайси нуқтадалигини белгилаб олишда кўмак беради;

ўзини даврнинг “Вертер”и деб ҳис қилиш – яширин ўқувчидан, аниқ ўқувчига ва ҳатто “Вертер” даражасига кўтарилиш асарнинг таъсир доирасини намоён этади.

Й.В.Гётенинг қаламига мансуб “Фауст” трагедиясини Эркин Воҳидов 1970–1975 йилларда ўзбек тилига таржима қилди. Асар таржимаси эълон қилинган кундан бошлаб ўқувчилар ҳам, адабиёт аҳли ҳам илиқ қаршилади. Гётенинг бутун умри, севги-муҳаббатга ва бахту омадга тўла онлари, қайғули ҳамда хатарли кунлари акс этган ушбу асарнинг таржимаси Эркин Воҳидовдан катта масъулият, жавобгарлик ва санъаткорона дадиллик талаб қилди. Бу юкни ўз зиммасига олган таржимон бор куч-қувватини сарфлаб, Гётенинг фалсафий асари “Фауст” таржимасининг уддасидан чиқди. Рецепциянинг ушбу занжир муносабатида, “Фауст” трагедияси учинчи тил

²⁸ Гёте Й.В. Страдания юного Вертера. / –Государственное издательство художественной литературы Москва 1957. – 144 стр., предисловие Израиль Владимирович Миримский, стр. 3-10.

воситасида таржима қилингани учун, таржимон, аввал, ўқувчи позициясида бўлган.



Бу ҳодисани тан олган Э.Воҳидов Гётенинг йирик асарини “аввал ўқувчи, кейин таржимон, кейин эса шоир сифатида муаллиф билан “суҳбат” қурганини”²⁹ эслайди. “Фауст” асарини Фирдавсий “Шоҳнома”си, Данте “Илоҳий комедия”си, Навоий “Хамса”си билан таққослагани эса асарнинг ҳам умрбоқий асарлар сирасига киришига ишорадир.

Бу фаслда бадиий рецепцияга аввал асар муаллифи, бадиий асар, асарга ўқувчининг муносабати (аниқ ёки яширин) ҳамда бадиий таржима ҳақида фикр юритилиши ҳамда эстетик ёндашуви хусусида гап борди.

Бобнинг иккинчи фасли «**Классик адабиёт намуналаридаги бадиий ва адабий рецепциянинг таҳлили**» деб номланади. Бадиий рецепция кенг қамровли, мураккаб жараён сифатида таҳлил қилинган. Бадиий асар рецепциясини, жамият ривожини билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун, алоҳида сегментларга ажратиб ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Немис адабиётшунослари Райнер Бааснер ва Мариа Ценслар фикрича, бадиий асар рецепцияси Struktur-Habitus-Praxis³⁰ (структура-анъанавийлик-амалий аҳамияти) кетма-кетлигида амалга оширилади. Бу кетма-кетлик асарнинг моҳиятини очиб беришда муҳим воситадир.

Ўзувчи – бадиий асар – ўқувчи – бадиий таржима – бадиий эстетика бадиий рецепциянинг таркибий қисмлари ҳисобланса, адабий алоқа – адабий таъсир – адабий таҳлил – адабий танқид – ҳерменевтика адабий рецепцияга дахлдор босқичлар, бошқача айтганда перцепция³¹ жараёни деб юритилади.

Адабий рецепцияда эса биров мураккаброқ босқичлар, хусусан, асарнинг адабий таъсири, алоқаси, танқиди, таҳлили ва ҳерменевтик аҳамияти умумий жараённинг диққат марказида бўлади. Г.Э.Лессинг буюк грек мутафаккири Аристотель анъаналарини давом эттирган ҳолда эстетика назариясини яратди. “Лаокоон ёхуд рангасвир ва шеъринг чегаралари ҳақида” назарий рисоласи ҳозирги кунга қадар санъат соҳасида аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Г.Э.Лессинг асарларида Шарқ ва Ғарб воқелигининг ўхшашлиги, тафовутлари, Шарқдаги маънавий-ахлоқий категориялар, миллатлар маданияти тарихи, ислом цивилизацияси ҳамда исломий таълимот моҳияти, динлараро

²⁹ Гёте Й.В. Фауст (Тарж. ва кириш сўзи Э. Воҳидовники). / – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 376 б./ 5-бет.

³⁰ Baasner, Rainer / Zens, Maria. Methoden und Modelle der Literaturwissenschaft. – 2., überarb. u. erw. Aufl. – Berlin : Erich Schmidt Verlag, 2001. S.270/ Seite 233.

³¹ Baasner, Rainer / Zens, Maria. Methoden und Modelle der Literaturwissenschaft. – 2., überarb. u. erw. Aufl. – Berlin : Erich Schmidt Verlag, 2001. S.270/ Seite 237.

бағрикенглик, шарқона ривоятларга қизиқиш, инсон борлиғи, шахс маънавий қиёфаси, инсон ижтимоий қиёфасининг ўзига хос хусусиятлари тасвирланган. Анъанавийликдан ноанъанавий ифода йўлини топа билган ёзувчигина асарларига имманент таҳлил хусусиятини тақдим эта олади.

“Донишманд Натан” драмасы сюжети орқали “Уч узук ҳақидаги ривоят” ва унинг тарихий боғлиқлиги, анъанавийлигидан ташқари Шарқ тамаддуни, диний бағрикенглик (толерантлик) ғоясини илгари сургани учун замондош ёзувчи-шоирлар ўртасида кескин таҳлил қилинади. Бу эса Г.Э.Лессингни немис миллий адабиётининг асосчисига айлантирди.

2011 йилда “Эмилия Галотти” трагедияси моҳир таржимон Пошшо Али Усмон таржимасида эълон қилинди. Бу трагедия беш парда, 43 кўринишдан иборат йирик асар ҳисобланади. Асардаги воқеалар Римда патрицийлар ҳукмронлиги даврида содир бўлган бир воқеа асосига қурилган. “Бўрон баргларида жудо қилмай туриб, хазон бўлган гул”³² - Эмилия XVIII асрда олмон князлигининг рамзи сифатида жамиятнинг пароканда бўлиб бораётганидан нишонандир. Бу пайтда эса адабий муҳитда “Бўрон ва ҳужум” даври етилиб келаётган эди. Эътибор қилинса, бадиий асар сиёсий қарашни, ижтимоий номуносибликни, оилавий муносабатни тасвирлаш орқали адабий муҳитда шаклланиб келаётган янги бир даврга ишора қилади. Ана шу ишора “Эмилия Галотти” трагедиясини яна-да чуқурроқ таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади, рецепциянинг ёзувчи – матн – ўқувчи – бадиий таржима босқичидан кейинги қадамларига йўл очади.

Г.Э. Лессингни маърифатпарвар деб аташ билан чекланиб қолмасдан, ишонч билан немис адабиётининг Мольери, немис Аристотели, немис миллий адабиётининг асосчиси, деб атаса бўлади. Бу сифатлар *биринчидан*, Лессингнинг немис адабиётига қанчалик ҳисса қўшганидан, *иккинчидан*, унинг нақадар серқирра ижодкор бўлганидан далолат беради.

Фридрих Шиллер шахсияти ва асарлари рецепцияси билан шуғулланган германист олим Ўқтамали Нурматов “Фридрих Шиллер драматургияси” монографиясида шундай таъриф беради: “*Фридрих Шиллер ижодини агар образли қилиб, айтадиган бўлсак, натюрмортга, сархил мевалар тўла лаганга ўхшатиш мумкин*”³³. Бу таъриф аниқ ўқувчининг бадиий-эстетик қарашини ифодалайди. Адабий алоқа – таъсир – таҳлилга бир вақтнинг ўзида диққат қаратилгани учун рецепциянинг ҳар икки босқичи (бадиий ва адабий) орқали Фридрих Шиллернинг шахсиятини ва ижодига дахлдор асарларининг мазмун-моҳиятини образли тарзда ўқувчига етказиб берди. “Бўрон ва тазйик” адабий ҳаракати таъсирида ёзилган Шиллернинг “Қароқчилар”, “Генуяда Фиесконинг фитнаси”, “Макр ва муҳаббат”, “Дон Карлос” трагедиялари ҳамда адиб ижодининг классик даврида яратилган “Валленштайн” трилогияси, “Мария Стюарт”, “Орлеон қизи”, “Мессиналик келин”, “Вильхельм Телль” каби драмалари алоҳида-алоҳида таҳлил қилинган. Бу таҳлиллар орқали ўқувчи

³² Лессинг Г.Э. Эмилия Галотти: трагедия/ олмончадан Пошшо Али Усмон тарж. (Сўзбоши Салим Жабборов, Баҳодир Примов). – Т.: Yangi nashr, 2011. 5-бет.

³³ Нурматов Ў. Фридрих Шиллер драматургияси / – Т.: Фан, 2007. 3-бет.

бемалол Шиллернинг ҳар бир асаридан кутилган горизонт ва эстетик масофани англаб етиш имконига эга бўлади.

Ҳ.Ҳайне адабий мероси немис адабиётшунослигида уч даврга бўлиб тадқиқ қилинишини, рецепциясини Р.Абдуллаева қуйидагича таҳлил қилади³⁴:

-*биринчи давр*, 1817-1830 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда унинг илк шеърлари турли хил газета ва журналларда чоп этилган. 1827 йилда “Ёшлик изтироблари”, “Лирик интермеццо”, “Ватанга қайтиш”, “Шимолий денгиз” каби қисмлардан иборат лирик тўплами – “Қўшиқлар китоби” нашр бўлди. Бу асар олмон лирикасида Й.В.Гётедан кейинги муҳим ҳодиса эканлигини кўплаб олмон ҳайнешунослари, мунаққидлари таъкидлайдилар. Машҳур немис халқ кўшиғи “Лорелея” ҳам шу тўпламдан жой олган;

-шоир ижодининг *иккинчи даври* (1831–1846) эмиграция йилларига тўғри келади. “Германияда фалсафа ва дин тарихи”, “Романтизм мактаби” сингари асарларида ижтимоий-тарихий, адабий, диний ва фалсафий интилишлар акс этади. Мақолаларида немис адабий тили ва адабиётига асос солган М.Лютер, Г.Э.Лессинг, Э. Кант каби немис файласуфлари портретини яратади.

-ижодининг *учинчи даври* (1846–1856)да фалсафий ва сиёсий қарашларининг ёрқин ифодаси бўлган асарлар яратди. «Германия. Қиш эртаги» поэмаси бунинг мисолидир.

Айнан, ижодининг биринчи даврига дахлдор, тўрт қисмдан иборат тўпламини инсон умрининг тасвири деб баҳоласа ҳам бўлади.

Ҳ.Ҳайне ўзининг биринчи тўплами “Ёшлик изтироблари”ни мутлақо романтик тарзда яратади. Унинг шеърлари туйғуларнинг қарама-қаршилигига, бахтсиз ошиқларнинг фожиали ҳикояларига, тасаввуф ва қабристон мотивларига асосланган.

Ёзувчи – бадий матн – ўқувчи муносабатини чуқурроқ таҳлил қилишни ёзувчини ўрганишдан бошлаш зарур. Дунёда ёзувчи-шоирлар ва бадий асарлар жуда кўп. Аммо адабиёт тарихи, салмоғи ўрганилганда, таҳлил қилинганда, фақат санокли ёзувчиларнинг асарлари тилга олинади. Ҳар қандай тараққиётда узвий боғлиқлик, давомийлик, анъанавийлик бўлади. Аммо айнан шу босқичларда ўзига хос ифода усулини, ёндашиш йўлини, образ яратишда, сюжет структурасида топқирлик қилганда, адабий рецепция рўйхатига тушади. Янгича талқин ва таҳлил учун асос бўлади.

Фаслда Г.Э.Лессинг, Фридрих Шиллер, Ҳайнрих Ҳайне ҳамда уларнинг асарлари мисолида бадий ва адабий рецепция кетма-кетлиги ёрдамида рецепция жараёни ўзбек олимлари тадқиқотларига кўра, батафсил таҳлил қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек адабиётшунослигидаги замонавий немис адабиёти рецепциясига доир масалалар муҳокамаси**»

³⁴ Абдуллаева Р. Мени алқаманган киши қолмади... // Жаҳон адабиёти, 2018. 1-сон. 165-169-бетлар.

деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. «Романларда қаҳрамонлар ички дунёсининг рецептив-психологик тасвири» деб номланган дастлабки фаслда психоаналитика ҳақида фикр юритилади. Психоанализ пайдо бўлганидан бери адабиёт ва адабиётшунослик билан алоқаси оддий инсонлар орасида ҳам, мутахассислар даврасида ҳам, ўқувчилар томонидан ҳам жуда кўп муҳокама қилинган мавзу эди. Ушбу ғалати ҳодиса нафақат Зигмунд Фрейднинг адабий мойиллиги ва ўзини намоён этиши, балки дастлаб психоанализнинг замондошларга, кейинчалик авлодларга кўрсатган таъсири туфайли ҳам юзага келди. Бир томондан, Фрейднинг ёзганлари ва ёзишмаларининг адабий мисоллар ҳамда ташбеҳлар билан тўлиб-тошганлиги, бугунги кунда адабиёт тарихи ва XX асрда адабиёт назариясининг кейинги ривожланиши борасида фикрлар диққат марказида бўлса, бошқа томондан, психоанализнинг жараён қандай шаклланишига таъсирини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун психоанализ ва адабиёт ўртасидаги муносабатлар бошиданок ўзаро интерактивдир. Икки фаннинг бир-бирига яқинлашиши тасодиф эмас, чунки бунга адабиёт ҳам, психоанализ ҳам “ўзининг мавжудлигини, якка ҳолда бўлмаса ҳам, онгли ва онгсизларнинг ўзаро таъсирига сабаб бўлади”³⁵. Адабиёт онгли равишда сезиладиган нарсага асосланиб, онгсиз равишда айтилмайдиган нарсаларни таклиф қилса, психоанализ “онгни онг нурига кўтаришга” ҳаракат қилади³⁶. Шундай қилиб, уларнинг ҳар бири онгли ва онгсиз жараённи ўзларига хос тарзда боғлашда муваффақият қозонишади. Психоанализ ва адабиёт шунчалик бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетдики, ҳар икки йўналиш бир-бирини тўлдириб келади. Психоанализга адабий таъсир, адабий иқтибосларнинг психоанализ назарий матнларидаги вазифалари ва маънолари, бадиий ижодга психоаналитик таъсир, бадиий матнларни таҳлил қилишда психоаналитик таъсир йўналишлари жадал суръатларда ривожланди. Инсон психикаси шундай тез ишлайдики, ҳатто бадиий асардаги энг кичкина деталга ҳам безътибор ўтмайди. Профессор Баҳодир Каримов психологизм қаҳрамон руҳиятини асослашда, воқеликка ишонтиришда деталлар муҳим саналишини таъкидлаб, Абдулла Қодирий тилидан келтирилган зиғирёғ ҳидининг кичкина деталь бўлишига қарамасдан воқеани янада ишончли чиқишига хизмат қилгани ҳақидаги бир мисол орқали бу жараённи ойдинлаштиради³⁷. Бу орқали ҳар қандай ўқувчининг (аниқ ёки яширин) психикасига таъсир этиб, бадиий асар муҳитига боғлаб олиш осон кечади. Бошқа томондан олиб қаралганда, асар қаҳрамонлари руҳиятини ифодалашда ҳам, уларнинг руҳий ҳолатини беришда ҳам асардаги ҳар бир воқеа ёки топилманинг ўрни ўзига хосдир. Асар руҳиятини ўқувчи тўлиқ англаши учун қаҳрамонлар кечинмалари тасвири муҳим ҳисобланади. Ўқувчи “Ўткан кунлар” романи қаҳрамони Отабекнинг

³⁵ Pietzcker, Carl. „Psychoanalyse – ein Gewinn für die Literaturwissenschaft“, in: Austauschprozesse: Psychoanalyse und andere Humanwissenschaften. Hg. von Helmwart Hierdeis. / Göttingen: Vandenhoeck & Ruprecht 2016, S. 233-251, hier S. 233.

³⁶ Ebenda. S.233.

³⁷ Карим Б. Руҳият алифбоси. / – Тошкент: Фафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 185-бет.

рақиблари билан дуч келишини бутун вужуди билан ҳис қилади. Ёки Кумушнинг тушкун кайфияти, изтироб чеккан ҳолати кишини беихтиёр маҳзун қилиб қўяди³⁸, дея тасдиқлайди адабиётшунос А.Улуғов.

Иккинчи жаҳон уруши даврида қувғинга учраган Томас Манн ватанини соғиниб, Ватанига талпиниб яшаган. Уни йирик асарлари, хусусан, “Юсуф ва унинг акалари” тетралогияси, “Сирли тоғ”, “Доктор Фаустус”, “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романлари дунёга машҳур қилди. Ўз вақтида Томас Манн бир қанча новеллалар, “Гёте ва Толстой”, “Гётенинг “Вертери”” сингари адабий-танқидий мақолалар ҳам ёзган эди. Ф.Ницше, Ф.Достоевский, А.Чехов ҳақида мақолаларини ҳам кенг ўқувчилар оммаси яхши билади. Сўзбоши муаллифи Шарқнинг севимли “Лайли ва Мажнун” қиссаси каби Ғарбда машҳур Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” асарига эътибор қаратади. Зеро, “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романи беихтиёр ўша асарни эсга солади. Ҳақиқатан, асарда Шарлотта Буфф билан Вертернинг ҳаётдаги прототипи Гётенинг Ваймар шаҳридаги учрашувлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Унда “Вертер” романидаги воқеалар, жой тасвирлари, қаҳрамонлар портрети, хатти-ҳаракатлари, гаплари ва фикр-ўйлари бот-бот тилга олинади.

Вертер ҳақидаги романда 19 ёшли Лотта ва 22 ёшли Гёте муҳаббатларига гувоҳ бўлган ўқувчи Томас Манн қаламига мансуб романда 64 ёшли Шарлотта ва 67 ёшли Гёте ўртасидаги қирқ тўрт йилдан кейинги учрашувларининг бадиий тафсилотлари билан танишади.

“Ёш Вертернинг изтироблари” ва “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романлари турли замонларда яшаган икки муаллиф яратган ҳар хил услубдаги, бир-биридан кескин фарқ қилувчи бадиий асарлардир. Уларнинг биринчисида – ёшлик алангалари, эҳтирос туғёнлари, тизгинсиз талпинишлари ниҳоят, тўппончанинг битта ўқи билан тинчиган йигит тақдири ўз ифодасини топган.

Иккинчи асар эса, ярим асрдан сўнг хотиралар ўчоғи кулини титиб, кекса ошиқ-маъшуқларнинг ўчган ишқ чўғларини қайта аланга олдириш мақсадида ёзилганга ўхшайди. Яъни асарда, балки бунақа ҳам бўлиши мумкин эди-ку, деган кексалик хуморлари акс эттирилади.

Ҳ.Ҳессе асарлари фалсафий мушоҳадага ундовчи кучга эга эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ҳессе қандай асар ёзишидан қатъи назар ўз қаҳрамонининг ички ҳис-туйғуларини, шунчаки, номига эмас, балки унинг кечинмаларини англаб, ўз вужудига сингдириб, кейин юксак маҳорат билан тасвирлаб беради. Бирор адибни ёки унинг асарини яхшироқ тушуниш ва теранроқ англаш учун адиб яшаган давр ҳам ўрганилади. Ҳ.Ҳессени ўрганиш учун ҳам аввал адибни шахс сифатида кашф этиш керак. Асарларини бевосита ўз шахсиятига ва ҳаётига боғлай билган Ҳ.Ҳессе борасида ҳали жавоби топилмаган саволлар жуда кўп. Рецепция тадқиқоти принципларига кўра, агар бирор ёзувчи ёки унинг асари ўз Ватанида рецепция имтиҳонидан ўтмас экан, бу ёзувчини бошқа миллат адабиёти қабул қилиши бироз қийин.

³⁸ Улуғов А. Замон ва макон мусаввири // Шарқ юлдузи, 2015. 2-сон.

Айнан, Х.Хессенинг Германиядаги рецепцияси борасида тадқиқотлар олиб борган, бир қатор коллоквиумларни ташкил этган олим ва ёзувчи, профессор Ули Роттфусс ўқувчи билан асар ўртасида ноодатий ўхшашлик мавжудлигига тўхталиб ўтади³⁹. Яъни Хессе асарларини ким ўқиса, ўзини кўраверади.

Мазкур фаслда Томас Манн, Ҳерманн Хессе, Франц Кафка, Ҳайнрих Бёлль ижодига ўзбек адабиётшунослари ва адиблари томонидан рецептив ва ҳерменевтик нуқтаи назар билан ёндашишлари таҳлил ҳамда талқин қилинди.

Бобнинг «**Замонавий адабиётшуносликда рецептив-эстетик тамойиллар ва услуб масаласи**» деб номланган иккинчи фаслида адабиёт социологияси ва долзарб тамойиллар муҳокама қилинди.

Жаҳон адабиётида XX асрнинг бошларида турли адабий оқимлар, янгича қарашлар билан бир қаторда, турли илмий йўналишлар ҳам юзага келди. Бу илмий йўналишлар бадиий адабиётни ва адабиётшуносликни бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлади. Scientific turn (илмий бурилиш) сифатида эътироф этилган адабиёт социологияси⁴⁰ адабиётшунослик ва социологияни бирлаштирди. Адабиёт социологиясининг адабиётни муҳокама қилишда ижтимоий муаммоларни ҳам қамраб оладиган ёндашувларини бошқа йўналишлардан фарқлаш ҳар доим ҳам осон эмас. “Мисол учун, адабиёт социологияси кўплаб соҳаларда адабиётнинг ижтимоий тарихи билан рақобатлашади, гарчи улар умумий предмет ва концептуал асосларга эга бўлса ҳам, иккаласи бир-бирига тегишли, дейиш мумкин эмас”⁴¹. Иккаласи ҳам адабиёт яратган ва самарали бўлган ижтимоий контекстни текширади ҳамда улар иштирокчи ёки алоқага қаратилган, катта тизим назариялари ёки фақат оддий диапазон моделлари бўлсин, социологик назарияларга таянади. Уларни фарқлашнинг асослари тегишли нуқтаи назардан келиб чиқади: адабиётда бошқа соҳалардаги каби ижтимоий таъсир сифатида намоён бўладиган ҳолатлар биринчи ўринда туриши керакми ёки адабиёт тушунчаси бадиийлик, полисемия билан боғлиқ бўлса ва ўз-ўзига мурожаат қилиш бошқа ўзаро таъсир шаклларида фарқ қиладиган, мустақил бўлган нарсаларга эътибор қаратиш керакми? Адабиёт социологияси асосан саволнинг биринчи қисмига мойил бўлса, адабиётнинг ижтимоий тарихи иккинчисини ҳам тез-тез ҳисобга олади.

Замонавий ўзбек адабиётшунослигида айнан рецепция деб юритилмасда, лекин жараённинг маълум босқичлари таҳлилларда ўз аксини топаётгани диққатга лойиқ. Академик Наим Каримов Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон⁴² каби буюк сўз санъати вакиллариининг шахсияти ва ижодининг таҳлили билан бевосита шуғулланиб, тарихий рецепциянинг бир қатор тамойилларига мос

³⁹ Rothfuss, Uli. (Hrg.) Mein Hermann Hesse. / Berlin. Edition Q. 2002., 224 S., Seite 8.

⁴⁰ Baasner/ Zens: Methoden und Modelle der Literaturwissenschaft /eine Einführung/, Berlin, Erich Schmidt – Verlag, 2001. – S. 272./ S.225.

⁴¹ Baasner/ Zens: Methoden und Modelle der Literaturwissenschaft /eine Einführung/, Berlin, Erich Schmidt – Verlag, 2001. – S. 272./ S.226.

⁴² Каримов Н. Чўлпон / – Т.: Шарқ, 2003. – 464 б; Ойбек ва жаҳон адабиёти // Жаҳон адабиёти, 2015. 1-сон; Ҳамид Олимжон – моҳир таржимон // Жаҳон адабиёти, 2014. 12-сон.

равишда роман, монография ҳамда мақолалар ёзди. Профессор Нусратулло Жумахўжа Алишер Навоийнинг “Қаро кўзум...” ғазали тадқиқини муваффақиятли амалга оширган ҳолда, биргина ғазал атрофида ўн беш нафар етакчи олимларнинг фикрларини жамлаши орқали адабиётшуносликда ички рецепциянинг қанчалик аҳамиятга эгаллигини намоён этди. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони Ақром Малик томонидан таҳлил қилиниб, дostonнинг матни ўрганилди, шарҳланди, насрий баёни берилди, луғати тартиблаштирилди. Бу каби ички рецепция жараёни мукаммалашгани сари асарнинг моҳияти очилиб бораверади. Ёзувчи ва ўқувчи ўртасида бадий мулоқот тезлашаверади. Рецептив-эстетика, ҳерменевтик ёндашув каби янги йўллар орқали бир миллат адабиёти жаҳон адабиёти билан узвий алоқа боғлайди. Исломуносо, шарқшуносо Мартин Ҳартманн(1851-1918)нинг Ҳерманн Вамбери(1832-1913)дан кейин эски ўзбек тили (чиғатой) билан шуғулланиш асносида ўзбек мумтоз адабиётидан, хусусан, Навоий, Машраб, Ҳувайдо ғазалларидан қилган таржимаси рецепциянинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Бадий матн таҳлилида натижага эришиш учун, ҳерменевтик нуқтаи назарга кўра, иш майдонларини белгилаб олиш учун адабиёт социологияси жараёнига қуйидаги янги ёндашув усулларидан фойдаланиш зарур:

1. Адабий жараён иштирокчилари социологияси махсус социология ҳам тушунилади. Профессор Ханс Норберт Фюген (1925-2005) “Адабиёт социологиясининг асосий йўналишлари ва методлари” рисоласида шундай дейди: “Адабиёт социологияси адабиёт билан шуғулланадиган кишиларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиб, унинг мавзуси ҳам айнан адабиёт билан шуғулланадиган инсонларнинг ўзаро алоқасига асосланади”⁴³. Бу эса ушбу жараёнда иштирок этадиган барчани таҳлил қилиш имконини беради ва бир қатор саволларга жавоб топилади (Қайси китоб ўқияпти? Жараёнда ким фаол иштирок этмоқда (нашриётлар, кутубхоналар, дўконлар)? Аҳолини қандай мавзудаги китоблар қизиқтиряпти (сўровномалар, интервьюлар)?

2. Матнларнинг социологик таҳлили. Адабиёт социологияси бадий матнлар билан ҳам шуғулланади. Жамоатчилик онгини тушуниш ва тўғри талқин қилиш учун адабий интерфаолликнинг муҳим воситалари ўрганилади. Эпик жанрми ёки лирик жанрми, драмаи – барчаси инсонларнинг ижтимоий тақдирини билан алоқадор ҳисобланади. “Матнлар интерпретацияси ҳаққоний чиқишини таъминлаш мақсадида, асосан, романлар мисол тариқасида таҳлил қилинади”⁴⁴. Лео Лёвентал (1900-1993) мазмун таҳлили ва матн социологиясини алоҳида ажратиб ўрганишни таклиф қилади.

3. Рамзий шакллар ва адабий майдон (муҳит) социологияси. Француз социологи ва маданиятшуноси Пьер Бордью (1930-2002) бадий асар таҳлили асардаги воқеаларнинг муҳитини, ривожини, тарихий келиб чиқишини, ҳаттоки, қайси тилда ёки шевада гапириляётганини инобатга олиш

⁴³ Fügen, Hans Norbert: Die Hauptrichtungen der Literatursoziologie und ihre Methoden./- Bonn. 1966. S.215., S.14.

⁴⁴ Löwenthal, Leo: Aufgaben der Literatursoziologie (1948). In: Ders.: Literatur und Massenkultur. Schriften Bd.1./ Frankfurt a.M. 1990, S.328-349., S. 331.

кераклигини таклиф қилади⁴⁵. Қолаверса, адабий муҳит мантиғи, синфий ва ижтимоий табақалашув, структура-одатийлик-амалиёт кетма-кетлиги, эстетик ва ижтимоий фарқланиш каби жиҳатлар ҳам бадиий асарни янада мукамал тушунишга, англашга ундайди. Ёзувчи ўз қаҳрамонлари руҳиятини излаш асносида беихтиёр у ёки бу ўқувчининг ички кечинмаларини айнан ёки қисман тасвирлаб қўйганини билмай қолади. Ҳар бир ўқувчи китоб мутолаасида аввал ўзини қидириши табиий ҳолат. Аммо ёзувчи-ўқувчи ўртасидаги бадиий коммуникацияда ўқувчи аввал ёзувчининг дардини, мақсадини тинглашни истайди. Ёзувчи буни ишончли тасвирланига ишонч ҳосил қилгач, ўқувчи мулоқотни бошлашга тайёр бўлади.

Асар рецепциясининг биринчи босқичи муаллиф томонидан бошлаб берилади. Асар сюжети ижтимоий воқеа билан боғланса, муаллифнинг бошидан кечирган биографик кечинмаларини дадил ҳикоя қилса, асар қаҳрамонининг ички туғёнларини муаллиф ҳамдардлиги билан тўлдирса, рецепция жараёнининг дастлабки босқичига асос солинади.

Қачонки, асар ва муаллиф ўқувчи томонидан ҳам, адабиётшунослар томонидан ҳам эксплицит (аниқ), ҳам имплицит (яширин) қабул қилиниши адабиёт социологияси талабларига мос равишда жараёнда иштирок этувчилар фаол бўлса, матн мазмуни асар номи билан муштарак бўлса, бадиий матн ва ўқувчи ўртасида ижтимоий ҳамда эстетик масофа яқин бўлса, асари орқали бошқа бир муаллиф асарининг қаҳрамонларини жонлантириб, талқин қилса, уларни маълум муддат ўтгандан сўнг, яна учраштира, ўша асар муаллифи юрган йўлдан юриб, асар ёзиш методларидан фойдаланиб, ўзининг муносабатини аниқ кўрсатса, муаллифнинг ўзи қайсидир қаҳрамон тимсолида бўлиб, ўқувчини асарнинг ечими сари етакласа, ҳаммага таниш бўлган ижтимоий-тарихий даврни, макон ва замонни аниқ фактлар асосида тасвирласа ва халқнинг урф-одатларини, анъаналарини ишонарли кўрсатиб берса, муаллиф ўзи бошидан ўтган кечинмаларини асарида бадиий тасвирлар орқали ифодалаб, ўқувчининг эътиборини торта олса ҳамда ўз асарини ўзи қабул қилса ва тушунса, ўзи ҳерменевтик методга кўра талқин қилиб, шарҳлаб, тушунтириб берса, асар ўз имкониятларини халқчил тил билан аниқ тушунтира, бадиий асар қаҳрамонларининг ички кечинмаларини, ҳис-туйғуларини, характер хусусиятларини тасвирлаш орқали асарнинг имманент таҳлили учун имкон яратса, асар ҳам, унинг муаллифи ҳам тез ва тўғри рецепция жараёнига қабул қилинади. Бу жиҳатларни умумлаштирган ҳолда конкретлаштириш ва реконструкция босқичи дейиш мумкин.

Ушбу фаслда замонавий адабиётшуносликда рецептив-эстетик тамойиллар ва услуб масаласи учун таянч манба экани, бунда дастлабки босқич тўғри ташкил этилса, рецепция жараёни мураккаблашиб боравериши, бир неча қатламлардан иборат бўладиган таҳлил жараёнлари бадиий асарни тўлалигича мукамал тизим эканига ишонч ҳосил қилишга кўмак бериши илмий асосланди.

⁴⁵ Bourdieu, Pierre. Zur Soziologie der symbolischen Formen. / - Frankfurt am Main. 1970, S. 18.

ХУЛОСА

1. Рецептция эстетик тамойилга кўра, мутолаа учун китоб танлашда ёрдам беради. Рецептция ҳодисаси ҳамда рецептив омилларнинг бадиий психологизмни юзага чиқарувчи таъсир воситалари, поэтик усуллар, ижодий индивидуаллик, бадиий шакл ҳамда услубнинг ўзига хослиги сингари масалалари ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшунослигининг назарий тушунча ва тамойилларига таяниш зарурлиги кўрсатади. Рецептция бадиий асарнинг аниқ фактларга асосланиш ўрнини, юкини, таҳлил методи ва услубларини белгилайди.

2. Рецептция бадиий асар ҳамда унинг муаллифи атрофидаги барча маълумотларга муносабат билдиради. Образ, характер, портретлар тасвирида бадиий рецептция ҳамда рецептив эстетиканинг таҳлили, бадиий образ яратиш ва портретларга хос характеристикаларда хатти-ҳаракат, ички динамиканинг бадиий матн асосидаги тадқиқи амалга оширилди.

3. Рецептция асар муаллифининг асл мақсади нима эканини қандай аниқлаш кераклиги бўйича аниқ бир тизимни таклиф қилади ва адабиёт таҳлилида математик формулага ўхшаш тенгликка асос бўлиб хизмат қилади. Рецептция (тарихий ва эмпирик), кутилган горизонт, эстетик масофа, бадиий коммуникация, аниқ (хос) ва яширин ўқувчи каби илмий-назарий тушунчаларни ўзбек адабиётини баҳолаш жараёнига татбиқ қилиниши аниқланди.

4. Рецепттив эстетика воситасида қилинган таҳлилларда бадиий рецептциянинг халқчил тил, бадиийлик тамойилларига, инсон маънавий-психологияси ва унинг бадиий талқинига ўзаро уйғунлашиб кетгани англашилади. Тадқиқот бадиий асар ҳамда унинг муаллифи, тадқиқотчилари, танқидчилари бир системага бирлашиб фикр юритиши натижасида адабиётшуносликдаги рецептциянинг аҳамиятли томони белгилаб берилди.

5. Бадиий асарни ўқиш, уқиш, тушуниш, англаш, идрок этиш, тушунтириш, таҳлил қилиш, танқид қилиш, таржима қилиш, қолаверса, адабий алоқа, адабий таъсир, маданий ҳамда адабий мулоқотдан иборат жараёни рецептция жараёни деб аташ таклиф қилинди. Рецептция ҳодисаси орқали немис адабиёти вакиллари асарларининг ўзбек адиблари ижодига таъсири муҳокама қилинган ҳамда дунё миқёсида олиб борилаётган тадқиқот йўналишларининг ўзбек адабиётшунослик-таржимашунослигидаги илмий қарашлар билан бевосита муқоясаси ўз исботини топди.

6. Бадиий асар рецептциясида тарихий рецептция ва эмпирик рецептция янада соддароқ тушунтирилди. Яъни асарга бевосита мутахассис томонидан (профессионал) муносабат билдирилиши ички рецептцияни, оддий ўқувчи ёки номутахассис томонидан билдирилган фикрлар ташқи рецептцияни англантиши аниқланди.

7. Китобни кўлига олган ўқувчи, биринчидан, ўзи етмоқчи бўлган кутилган горизонт (йўналиш) сари отланади; иккинчидан, мутолаа жараёнида асар муаллифига яқинлашиб боради, бу эса улар орасидаги эстетик масофани

қисқартиради. Бундан ташқари, учлик механизми бадиий асарни ёзувчидан, асар муаллифидан олиб, ўқувчининг маънавий мулкига айлантиради. Бу биринчи қадам бўлса, бадиий асарга тирик мавжудот сифатида қараш, асарни таҳлил қилиш учун кўмак берадиган тўртлик ва бешлик механизмдан фойдаланиш иккинчи ҳамда учинчи қадамни таъминлайди.

8. Рецептция ёзувчи – бадиий матн – ўқувчи, ёзувчи – бадиий матн – ўқувчи – таржимон, ёзувчи – бадиий матн – ўқувчи – таржимон – таҳлилчи (адабиётшунос, танқидчи) кетма-кетликлари ёрдамида бадиий асарни таснифлайди ва асарнинг ечимини топишга хизмат қилади.

9. Англаш жозибаси ва муваффақиятини холис ва самимий тасаввур белгилайди. Рецептция ҳодисаси шу хусусиятларга эга. Улардаги тушуниш ва англаш ҳолати содда, оддий бўлса-да, уларни безовта қилаётган туйғулар умуминсоний, талқин қанонлари эса замонавий. Ишда дунё адабиётшунослигидаги рецептция ҳодисасининг илмий-назарий тадқиқи асосида миллий этник руҳият орқали моҳиятни англаш йўллари ифодаланиши муҳим. Бунда ХХ аср ўзбек адабиётшунослигида қилинган таржима асарларининг янгича тасвир ва илмий баён услуби, уларни янгича англаш ҳамда тушуниш кераклиги ўз аксини топди.

10. Рецептция бадиий коммуникация орқали амалга оширилган диалог бадиий асар мазмунини янада аниқлаштиради (конкретлаштиради) ва мукамал тушунишни таъминлаш учун реконструкцияни таъминлайди. Фақатгина нозиктаб адабиётшунослиги бадиий асарнинг оддий кўз илғамас жиҳатларини кўрган ҳолда, асарни таҳлил қилади, танқид қилади, керак жойда “даволайди”. Асар ўқувчи кўлига етиб бориши билан биз илгари сураётган рецептция жараёни бошланади. *Ёзувчи–матн–ўқувчи* механизмида ҳатто адабиётшунос ҳам дастлаб ўқувчи мақомида бўлади. *Ёзувчи–матн–ўқувчи–танқидчи* механизмида таҳлил қилинаётган асар ва унинг муаллифи мутахассис томонидан ўрганилади. Ушбу механизмлар миллий адабиётга дахлдор бадиий асарларга тегишлидир. Агар асар бошқа тилдан таржима қилинган бўлса, *ёзувчи–матн–таржимон–ўқувчи–танқидчи* механизми асосида тадқиқот олиб борилади. Механизм мураккаблашгани сайин жараён иштирокчлари сони кўпайиб бораверади. Аммо ҳар бир йўналишда ҳам меъёр тушунчаси бирламчидир. Таржима, таҳлил, танқид асар муаллифининг шахсиятига эмас, ижодий маҳсулига қаратилиши шарт. Занжирнинг ажралмас қисмларидек, рецептция жараёни иштирокчилари бир-бирларини тўлдириб боради. Таржимон илҳомланиб, ўзи бошқа бир асар яратиши орқали адабий таъсирни, ўзга миллат вакили, айнан шу каби асарни жавоб тарзида таржима қилиши адабий алоқани, ифодалагани каби, асарни танқид қилиш орқали инсоншунос олимнинг нозиктаб санъат вакили эканлигидан далолатдир. Рецептция атамасининг моҳиятидан келиб чиқиб, миллатлар адабиётлари таҳлил қилинса, адабий жараённинг тартиблашуви янада мукамаллашади.

11. Ким қандай китоб ўқиса, уни бировга ҳикоя қилиб берса, рецептив эстетикада мавжуд китоб ва ўқувчи ўртасидаги масофани яқинлаштиради. Асарнинг воқеаларини тинглаган ўқувчи сифатли мутолаани амалга ошира

олади. Рецепттив эстетиканинг яна бир хусусияти ўқувчи инстанциясини муаллиф инстанцияси даражасига кўтаради. Қолаверса, матннинг юзага келишидан то рецепция жараёнига қадар мазмунан шаклланиб боришини таъминлайди. Адабиёт тарихи уч йўналишда сайқалланиб боради, яъни эстетик тизимнинг синхронлашувида (ҳозирги даражаси), эстетик ўзгаришнинг диахроникасида (тарихий шаклланиши), умумий тарихга алоқадорлигида. Асарнинг эстетик тажриба нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши, бадиий матнга дастлабки рецепттив ёндашувга имкон яратади. Рецепциядаги асосий қарашлар кутилган горизонт ва матннинг жозибадор тузилиши ўқувчига кўмакчи воситалар экани исботланди.

12. Рецепциянинг маданият ва эстетика даражасидаги ўзига хос бўлган мулоқот, суҳбат, диалог тарзида шакллантириш заруриятини ва масъулиятини китобхонликка алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги кунда энг аввало ноширларимиз ўз зиммаларига олишлари зарур. Китоблар электрон шаклда бўладими ёки босма шаклдами, китобга илова тарзида китобхон сўровномаси (анкетаси) берилса, нафақат ўқувчи билан нашриёт ўртасида, балки ўқувчи билан ёзувчи ўртасида ҳам алоқа ўрната олиши аниқланди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 AT THE INSTITUTE OF UZBEK LANGUAGE,
LITERATURE AND FOLKLORE**

**ALISHER NAVAI STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE**

QOSIMOV ABDULAZIZ GAYBULLAEVICH

**THE ISSUE OF RECEPTION IN UZBEK LITERARY STUDIES
(based on the example of translations from German literature)**

10.00.07 – Literary theory

**DISSERTATION ABSTRACT
of doctor of philosophy degree (phd) of philological sciences**

Tashkent – 2021

The theme of Dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) is registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No. B2020.2.PhD/Fil1313.

The Dissertation has been prepared at the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

The Abstract of the PhD dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website of Scientific council www.tai.uz and "ZiyoNet" www.zivonet.uz informational and educational portal.

Scientific supervisor:

Karimov Bakhodir Nurmetovich
Doctor of philological sciences, professor

Official opponents:

Kuronov Dilmurod Khaydaraliyevich
Doctor of philological sciences, professor

Khamdamov Ulugbek Abduvakhobovich
Doctor of philological sciences


Leading organization:

Uzbek state world languages university

The defence of the dissertation will take place on «10» «November» 2021 at «10» at a meeting of the Scientific Council DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 awarding scientific degrees at the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of Uzbekistan (Address: 100060 Tashkent, Mirabad District, Shakhrisabz Street 5.; Tel: (71) 233-36-50; Fax: (71) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net)

The Dssertation can be reviewed in the Fundamental Library of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (registered number ____). (Address: 100100, Tashkent, Ziyolilar Str.13.; Tel: (71) 262-74-58.

The abstract of the Dissertation was distributed on «28» October 2021
(Protocol at the registered № 7 on «28» 10 2021).



N.F.Karimov
Chairman of the Scientific Council awarding
scientific degrees, Doctor of Science in
Philology, Academician

R.Barakaev
Secretary of the Scientific Council awarding
scientific degrees, Candidate of Philological
Sciences

I.Ch.Khakkulov
Chairman of the Scientific Seminar at the
Scientific Council awarding scientific degrees,
Doctor of Science in Philology, Professor

INTRODUCTION (abstract of the doctoral Dissertation)

The urgency and necessity of the topic of dissertation. The ongoing psychological relations between the nations of the world raise the issue of the analysis of works of art in terms of the problem of perception, as well as in terms of its necessity at the level of regional literature. In the period of globalization, in the process of further development of national literature, especially the strengthening of relations with foreign literature, the demand for direct translation of a folk literature rather than through a third language is growing. In particular, in literature, new methods and approaches to study the work of a particular writer and a work of art, the phenomenon of reception in it are emerging, which gives a deeper insight into the content of the work of art. The process of reception is of practical importance in the deepening of the understanding of the work of art and the interpretation of the creative psyche, along with the discovery of the spiritual world of man, his worldview, as well as the laws inherent in the way of thinking of the artist. In the literary process, it is important to approach the problem of reception as an artistic-aesthetic category, to reveal the creative skills of the creator, to re-understand the literary dynamics of the writer's works.

The attitude to the phenomenon of reception has a special place in the world literature. A separate study of the fact that this literary phenomenon has a special term in literature, to systematize all the stages related to this term, to determine the location of the participants in the reception process, to ensure the correctness of the process, as well as to approach the studied works in general. In the example of the translation of works from classical and modern literature, the study of the problem of reception (acceptance, comprehension) by generalizing is relevant.

The role of Uzbek literature in the international arena and the study of Uzbek cultural heritage, the need to understand national pride and values in today's globalization requires a deeper understanding of the national literary heritage, the worthy place of literary works in the development of world literature. is doing. Today's process of reforms in the cultural and educational spheres poses a number of new challenges for Uzbek literature. "Today we are moving on the path of innovative development aimed at radical renewal of all spheres of life of the state and society. This is not in vain, of course. Because who will win in today's fast-paced world? A state based on innovation wins a new idea⁴⁶". In this process, the role and importance of the product of a nation's artistic thinking in the development of the spiritual world of mankind is determined by its specific features. After all, in the process of building a new Uzbekistan, comprehensive measures are being taken to further develop the Uzbek language and improve language policy.

This dissertation serves to a certain extent in the implementation of the tasks set out in Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 13, 2016 No PF-4797 "On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi", Decree of the President of the

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент: 2017. 23 декабрь.

Republic of Uzbekistan dated October 21, 2019 No PF-5850 "On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language", Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 16, 2018 No 124-F "On a comprehensive program of measures to develop the system of publishing and distribution of book products, increase and promote the culture of reading and reading" dated September 13, 2017 No PQ-3271 Order "On holding an international conference on" Current issues of international study and promotion of Uzbek classical and modern literature " and in other regulations in the field.

Connection of the research to the priority direction of the development of science and technology of the Republic. The research was carried out in the framework of the first priority of the development of science and technology of the republic "Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state, the development of an innovative economy."

The extent of exploration of the theme. In Uzbek literature, the study of the problem of reception, the interpretation of the work of art, the ability to feel play an important role in the rapprochement of cultures of nations and peoples. Chinese national literature can be compared only with world literature only by prescription, and can occupy a special place among the literature of other nations. Among them are Uzbek scholars Naim Karimov, Umarali Normatov, Abdugafur Rasulov, Shavkat Karimov, Suvon Meli, Akmal Saidov, Bakhodir Karimov, Zokhidjon Sodiqov and a number of other scholars. and scholars who have conducted research on inter-literary communication⁴⁷, as well as writers such as Khurshid Dostmukhammad, Nazar Eshanqul, Vafo Fayzullo, have also dealt with the issue of prescription⁴⁸.

No literature in the world has been published by William Shakespeare (1564-1616), Johann Wolfgang Goethe (1749-1832), Alexander Pushkin (1799-1837), Honore de Balzac (1799-1850), Adam Mickiewicz (1798-1855), Leo Tolstoy (1828). It is not known from history that writers such as -1910) were able to choose their own path of development without studying their creative experiences⁴⁹. World-renowned scholars such as Hans-Robert Jauss, Wolfgang Iser, Rayner Warning,

⁴⁷ Каримов Н. Маълум ва номаълум “Эгмонт”// *Жаҳон адабиёти*, 2017. 12-сон; Норматов У. Қодирий ҳақида қайдлар // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*, 2004. 28 май; Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б; Каримов Ш. Диллардан дилларга: (Ўзбек-немис адабий алоқаларидан лавҳалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 151 б; Мели, Сувон. Адабиёт фалсафаси ёхуд кўзга айланган кўнгил // *Жаҳон адабиёти*, 2018. 1-сон; Саидов А. Қиёсий адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2020. – 772 б; яна ўша муаллиф: Адабиёт ва ҳуқуқ [Матн]: Ғарб адабиётининг юрист-адиблари. – Тошкент: О‘zbekiston НМИУ, 2018. – 840 б; Карим, Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2018. – 314 б; Содиқов З. Юсуф Хос-Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари: филол.фан.номз...автореф. – Тошкент: 1994. 23 б.

⁴⁸ Кафка, Франц. “Жараён” роман. Рус тилидан таржима. (Таржимон Вафо Файзулло)./ – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 288 б. 5-15 бетлар, Хуршид Дўстмуҳаммад “Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси ёхуд қалб ва шуурнинг олис кенгликларига элтувчи асар”, Сўзбоши.; “Инсонни англаш-асосий мезон” (Ёзувчи Назар Эшонқул билан суҳбат) // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2010 йил 26 март, 4-бет.

⁴⁹ Неупокоева И.Г. Проблемы взаимодействия современных литератур. – Москва; 1963. - С. 67.

